

Ислом тақлид душманидир (учинчи мақола)



18:30 / 22.02.2020 2226

Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки фалсафа йўқ. Ҳар бир шахсга илм талаб этишни фарз қилиш фақат Исломда бор, холос.

Қуръони каримда илм ва уламолар энг олий мақомга қўйилган. Ҳадиси шарифда ҳам илм, уни талаб қилиш, уламолар ҳақида кўплаб маълумотлар келган. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, Исломнинг илмга бўлган муносабати ҳақида тасаввур ва шунга яраша аҳкомлар чиқарилган.

Мусулмонлар ўз ҳаётларида Қуръон ва Суннат таълимотларига амал қилиб яшаган пайтларида илм нуруни бутун оламга тарқатганлар. Ёшу қари, эркагу аёл бешикдан то қабргача илм талаб қилиш ўзи учун фарз эканини тўла ҳис қилган ҳолда умр бўйи ўзини толиби илм ҳисоблаб яшаган.

Мусулмонлар ҳаммаси бутунича ислом шариати бўйича ҳаёт кечирган вақтда Ислом нуридан баҳраманд бўлган ҳар бир ўлкада илм-фан, маърифат ва маданият гуллаб-яшнаган. Илмнинг ҳар бир соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, улкан уламолар етишиб чиққан.

Айрим душманлар аййуҳаннос солаётганидек, Ислом ҳеч қачон илмга қарши бўлмаган, балки жаҳолатга қарши бўлган. Агар баъзи бир кавний ва табиий илм уламолари тазйиққа учраган, азобланган ва ўлдирилган бўлса, бошқа дин вакиллари томонидан қилинган. Исломнинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Овруподаги олимларни каниса ғазабига дучор бўлишларининг асосий сабаби ҳам уларнинг мусулмонлардан илм ўрганганлари бўлган. Ҳозирги Испания, Португалия ва уларга қўшни давлатларнинг баъзи ҳудудларида саккиз юз йилга яқин давр мабойнида Андалусия номи Ислом давлати ҳукм сурган. Бу давлатда илм-фан, маданият гуллаб-яшнаган. Мусулмонларнинг турли илмий ўқув юртларида бошқа динларга мансуб кишилар ҳам бемалол таълим олишган, илмий тажрибаларда иштирок этишган. Ўша пайтда илм нима эканини идрок этишдан йироқ бўлган Оврупо каниса раҳбарлигида «мушрик мусулмонларга» сотилган овруполикларни жазолашга бел боғлаган.

Ҳозирда бу ҳақиқат бузиб кўрсатилади. Мазкур жабрдийда овруполик олимлар худди осмондан илм ўрганиб тушганлару каниса уларни жазолашга киришгандек. Аслида ҳозирги илмий тараққиётнинг ҳар бир соҳаси аввалида мусулмон олимлари туришган. Бу ҳалигача одамлардан яшириб келинади.

Ислом илм дини эканини фақат жоҳилларгина инкор қилишлари мумкин.

Ким Исломнинг илмга муносабатини билмоқчи бўлса дин душманларининг бўҳтонларини бир тарафга йиғиштириб қўйсину Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан илмга тегишли оят ва ҳадисларни ўргансин.

Ким Исломнинг илмга муносабатини билмоқчи бўлса, тарихга назар солсин, Исломга амал қилинган пайтда ҳар бир мусулмон юртидан кўплаб алломалар чиққанига гувоҳ бўлсин, илм-фан, маданият мислсиз ривожланганини билиб олсин!

Ҳамма ўз динидан узоқлашган ҳозирги пайтда мусулмонларнинг тараққиётдан орқада қолгани ва бошқаларнинг илғор бўлиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Инсоф билан айтганда, дин маҳкам тутилганда

муслмонлар илғор, бошқалар қолоқ бўлган эди, диндан узоқлашганда муслмонлар қолоқ, бошқалар илғор бўлди.

Демак, Ислоннинг илмга муносабати, илмнинг фазли ҳақида баралла гапирадиган вақт етди.

(Тамом)

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди